

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

VOLUME II | ISSUE 2 | FEBRUARY | 2024

ISSN: 2181-4031



Available online at www.imfaktor.com

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ- II, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-2

ТОШКЕНТ – 2024

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2024-2>

Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

1. Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
2. Ходжаметова Гулчира Илишевна – тарих фанлари номзоди, профессор
3. Ҳайдаров Ўрал Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент
4. Мусаев Джамалиддин Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент
5. Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б
6. Узакова Зарина Фуркатовна – социология ф.б.ф.д (PhD), доцент
7. Мамадияров Дилшод Уралович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
8. Тўраев Шавкат Нишонович – фалсафа фанлари номзоди, доцент
9. Бердиева Гулмира Аминовна – тарих фанлари номзоди
10. Гаипов Жасур Бахром ўғли – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)
11. Сохибова Лола Жонибоевна – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
12. Шарипов Дилшод Бахшиллоевич – сиёсатшунос, эксперт
13. Содиржонов Мухриддин
Махамадаминович – социология ф.б.ф.д (PhD)
14. Саттаров Дилшод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент
15. Турақулов Акмалжон Анварович – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
16. Каримов Бозарқул Худдайбердиевич – фалсафа фанлари номзоди

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ХИКМАТОВ Илёсжон Умаржонович

Банк молия академияси

тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10680069>

МАМЛАКАТИМИЗ КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида корхоналарда молиявий қарорлар қабул қилиш ва рискларни бошқаришни йўлга қўйиш ҳамда уни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиётимизда корхоналар фаолиятида молиявий қарорлар қабул қилишни жадаллаштириш йўллари юзасидан фикр-мулоҳазалар баён этилган. Хусусан, корхоналарда молиявий қарорлар қабул қилиш ва рискларни бошқаришни кўпинча молиявий менежмент муаммоларининг қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади. Шунингдек, мамлакатимиз корхоналарида молиявий қарорлар қабул қилиш ва рискларни бошқаришнинг истиқболларидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: корхона фаолияти, молиявий қарорлар, молиявий активлар, дебиторлик, кредиторлик, номолиявий активлар, реал активлар, пул маблағлари, корхонанинг молиявий стратегияси, корхона молиявий хавфсизлиги, стратегик бошқарув.

СПОСОБЫ ПРИНЯТИЯ ФИНАНСОВЫХ РЕШЕНИЙ И УПРАВЛЕНИЯ РИСКАМИ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ НАШЕЙ СТРАНЫ

АННОТАЦИЯ

в данной статье представлены отзывы о способах ускорения принятия финансовых решений в деятельности предприятий нашей национальной экономики путем внедрения финансовых решений и управления рисками на предприятиях Республики Узбекистан и их развития. В частности, принятие финансовых решений и управление рисками на предприятиях часто будут зависеть от степени организации проблем финансового управления. Также представлены существующие проблемы в перспективах принятия финансовых решений и управления рисками на предприятиях нашей страны, а также авторские подходы и предложения по их устранению.

Ключевые слова: деятельность предприятия, финансовые решения, финансовые активы, дебиторская задолженность, кредитование, нефинансовые активы, Реальные активы, денежные средства, финансовая стратегия предприятия, финансовая безопасность предприятия, стратегическое управление.

WAYS TO MAKE FINANCIAL DECISIONS AND MANAGE RISKS AT ENTERPRISES IN OUR COUNTRY

ANNOTATION

This article provides feedback on ways to accelerate financial decision-making in the activities of enterprises of our national economy through the introduction of financial solutions and risk management at enterprises of the Republic of Uzbekistan and their development. In particular, financial decision-making and risk management in enterprises will often depend on the degree of organization of financial management problems. The existing problems in the prospects of financial decision-making and risk management at enterprises in our country are also presented, as well as the author's approaches and suggestions for their elimination.

Key words: enterprise activity, financial solutions, financial assets, accounts receivable, lending, non-financial assets, Real assets, cash, financial strategy of the enterprise, financial security of the enterprise, strategic management.

Кириш. Сўнги йилларда мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳит яратиш, давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш, корпоратив бошқарув тизими такомиллаштириш ва унинг қонуний асосларини янада кучайтириш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ислохотларнинг ҳозирги босқичида давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, давлат томонидан ҳар бир корхонага қўйилган мақсад ва вазифаларни белгилаш, давлат активларини бошқаришга замонавий бозор тамойилларини жорий этишни тақозо этмоқда.

Корхоналарда рентабеллик ва молиявий барқарорликни юксалтиришга қаратилган жорий активларни самарали бошқариш бўйича молиявий қарорлар қабул қилиш комплекс молиявий бошқарув тизимининг элементи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев тадбиркорлар билан иккинчи учрашувида иккинчи ташаббус доирасида тадбиркорлар фаолиятини кенгайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай молиялаштириш тизимини яратиш ташаббусини илгари сурди [1].

Эндиги кунда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини тегишли маблағ, хомашё, иш кучи, илғор технология кабилар билан ўзлари таъминлашлари муҳим масалалардан бирига айланиб қолмоқда. Товарларини (ишлар, хизматларини) ўзлари сотади. Ўзининг барча фаолиятини тегишли моддий ва молиявий маблағлар билан ҳам ўзлари таъминлайди.

Корхоналар фаолиятининг асосий мақсадларидан бири бўлиб фойдани максималлаштиришдир, бу йўлда турли рисклар ҳам молиявий йўқотишлар юзага келиш эҳтимоллиги доимо юзага келади. Чунки, корпоратив молиянинг концепцияларидан ҳам маълумки, риск қаршисига чиқмасдан туриб етарлича даромадлиликка эришиб бўлмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда корхоналарда молиявий қарорлар қабул қилиш ва рискларни бошқариш усуллари ва уларни камайтириш хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Корхоналарда молиявий қарорлар қабул қилиш ва рискларни бошқариш усуллари масаласига бир қатор ёндашувлар мавжуд бўлиб, турли иқтисодий адабиётларда бир қатор хорижлик олимлар, рус олимлари ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан турлича талқин қилинган. Хусусан, Р.С.Муратов, И.А.Джалолова, С.Ш.Ориповларнинг “Корхона иқтисодиёти” дарслигида корхонага қуйидагича таъриф берилган. Корхона-ижтимоий талабларни қаноатлантирувчи ва соф фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишлар бажарувчи, хизмат кўрсатувчи мустақил хўжалик юритувчи иқтисодиёт субъектидир [2].

И.О.Улашев, Ш.А.Атамурадовларнинг “Корхона иқтисодиёти ва менежменти” ўқув қўлланмасида эса корхонага қуйидагича таъриф берилган.

Корхона - бу жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланувчи, аҳолининг талабини қаноатлантириш ва фойда олиш ёки бошқа ижтимоий функцияларни бажариш мақсадида, хусусий ресурслардан фойдаланиш асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, айрибошлайдиган ҳамда бошқа ишларни ва хизматларни бажарадиган, фаолияти бўйича қарорлар қабул қиладиган ҳамда унга жавобгар, ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган, ҳар хил ўлчамдаги хўжалик юритувчи субъектдир [3].

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект корхона ҳисобланади. Kharabsheh, Buthiena, Mohammad AL-Gharabeh, and Ziad Zurigatларнинг фикрича, охириги ўн йилликда юзага келаётган инкирозлар алоҳида компанияларнинг молиявий стратегияларни қайта кўриб чиқишни тқозо этиш билан бирга стратегия муддатлари бўйича мослашувчанликни ўзгартиришга доир қарорлар қабул қилиш заруратини келтириб чиқармоқда [4].

Корхоналар иқтисодий сиёсати тез-тез ўзгариб турадиган ташқи муҳитда фаолият юритади. Ўз навбатида ушбу жараён натижасида юзага келадиган ноаниқликлар компаниялар учун рағбат вазифасини ўташ асосида янгича инновацион молиявий бошқарувни амалиётга татбиқ этишга ижобий таъсир кўрсатади [5].

Н.Н.Буторин ва Д.А.Павловлар реал сектор корхонада рискларни бошқаришда рақамлаштирилган тизимини жорий этиш самарадорлигини таҳлил қилди [6].

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлар Э.Гадоев ва Х.Курбоновларнинг фикрича, корхоналар молиявий бошқаруви "...молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар йиғиндиси" [7].

Иқтисодчи олим И.Алимовнинг таъкидлашича, "хўжалик юритувчи субъектларнинг молияси... ишлаб чиқариш жараёнларини пул маблағлари билан таъминлашни амалга оширади" [8].

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида самарали бошқариш корхона ресурс потенциалини оптималлаштиришни кўзда тутаяди.

Биз ушбу мақолада, Ўзбекистон Республикасида корхоналарда молиявий қарорлар қабул қилиш ва рискларни бошқаришни йўлга қўйишни ёритишга ҳаракат қилдик.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган. Мавзуни ўрганиш давомида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлаш, статистик усуллари билан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Корхоналарда молиявий қарорлар қабул қилишга таъсир қилувчи асосий омиллардан бири бу самарали молиявий бошқарувдир. Бу молиявий ресурсларни тўғри тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, харажатлар ва даромадларни назорат қилиш, келажакдаги молиявий оқимларни башорат қилиш қобилятини ўз ичига олади.

Яна бир муҳим омил - етарли капиталнинг мавжудлиги ва ундан тўғри фойдаланиш. Капитали кам бўлган корхоналар қарзни тўлаш, иш ҳақини тўлаш ва ўсишга сармоя киритишда муаммоларга дуч келиши мумкин. Капиталдан тўғри фойдаланиш, шунингдек, энг самарали инвестициялар ва ривожланиш стратегияларини танлашни ўз ичига олади.

Яна бир муҳим омил - бу риск. Рискларни самарали бошқаришга қодир бўлган корхоналар ноаниқлик ва ўзгарувчан иқтисодий вазият шароитида молиявий барқарорликни сақлаб қолиш учун кўпроқ имкониятга эга. Рискларни таҳлил қилиш ва рискларни бошқариш стратегиялари ҳамда воситаларини ишлаб чиқиш муҳим йўналишлар ҳисобланади.

Сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, солиқ сиёсати, бозор рақобати ва бошқалар каби ташқи омилларни ҳам ҳисобга олиш керак. Бу омилларнинг барчаси корхоналарнинг молиявий барқарорлигига таъсир қилиши мумкин.

Республикамиз корхоналарини барқарор ривожланиши ва бошқаришни ўзига хос жиҳатлари амалиётда кенг фойдаланиб келинаётган SWOT-таҳлил асосида баҳоланади (1-жадвал).

1-жадвал

Корхоналар ривожланишининг SWOT таҳлили

Кучли томонлари	Кучсиз томонлари
Корхоналарни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ишлабчиқилганлиги	Корхоналарда замонавий хизмат турларини ривожлантириш бўйича кадрлар етишмаслиги
Корхоналарга берилаётган молиявий имкониятлар	Маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда инфратузилмалар етишмаслиги
Корхоналарда экспорт қилиш имкониятларининг юқорилиги	Маҳсулотларни сотиш ва сақлашдаги муаммоларнинг мавжудлиги
Имкониятлари	Риск-риск ёки таҳдидлари
Корхоналарда маҳсулот ва хизматларни диверсификациялаш имкониятлари	Ички ва ташқи бозорларда нарх навонинг ўзгариши
Корхоналарга берилаётган молиявий имкониятлар ва имтиёзлар	Жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиши
Хорижий бозорларга чиқиш имконияти	Давлатлардаги иқтисодий-сиёсий вазият ўзгариши

Корхоналарда молиявий қарорлар қабул қилишга SWOT таҳлили кучли ва заиф томонларини, шунингдек, корхоналарнинг молиявий қарорларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган имкониятлар ва таҳдидларни аниқлаш имконини беради.

Корхоналар молиявий қарорларининг SWOT таҳлили корхона дуч келиши мумкин бўлган асосий муаммоларни аниқлашга, шунингдек молиявий қарорларни яхшилаш имкониятларини аниқлашга имкон беради. Ушбу таҳлил асосида молиявий қарорларни яхшилаш ва рискларни минималлаштириш учун стратегия ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши мумкин. *Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш мумкинки, инновацион ривожланиш ва коммуникацион технологиялар тараққиёти шароитида корхоналар молиявий қарорлар қабул қилиш масалалари шундай ҳал этилиши лозимки, бунинг натижасида улар ривожланиш дастуридаги аниқ тадбирга қилинган харажат бирлигига юқори натижаларга эришишни таъминловчи кучли дастакка эга бўладилар.*

1-жадвал

Ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

Худудлар	Йиллар						2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши, (+,-)
	2019	2020	2020	2021	2022	2023	
Ўзбекистон Республикаси	323517	398133	475197	528929	592371	485024	161507
Қорақалпоғистон Республикаси	15590	18404	21968	23721	26692	25928	10338
Андижон	27391	30740	36726	40474	44658	29717	2326

Бухоро	18115	23459	28233	31160	33686	31203	13088
Жиззах	14226	17190	20993	22714	25847	19923	5697
Қашқадарё	20915	25259	30180	36168	41612	33064	12149
Навий	11175	17067	20133	22711	25179	21880	10705
Наманган	21269	25909	30882	33422	36914	27634	6365
Самарқанд	25066	31354	38946	46667	54163	43477	18411
Сурхондарё	15172	19220	25367	28291	31427	24657	9485
Сирдарё	10367	13169	15425	15920	17259	13432	3065
Тошкент	31030	38523	46173	50296	55472	45295	14265
Фарғона	29128	35379	42241	46622	52746	42574	13446
Хоразм	14837	18614	21979	25160	28904	27089	12252
Тошкент ш	69236	83846	95951	105603	117812	99151	29915

Юқорида келтирилган 1-жадвалга мувофиқ, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 2023–йилда 2019–йилга нисбатан 161 507 тага кўпайганлигини кузатишимиз мумкин. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони энг юқори кўрсаткичи Самарқанд вилоятига тўғри келиб 2023–йилда 2019–йилга нисбатан 18 411 тага кўпайган. Энг паст кўрсаткич эса Андижон вилоятига тўғри келиб 2023–йилда 2019–йилга нисбатан 2 326 тага кўпайганлигини кузатишимиз мумкин.

Корхона молиявий қарорларининг таҳлили ўз кўлами жиҳатидан ўта йирик ва мураккаб масаладир. Шу боисдан молиявий қарорларнинг таҳлилида аниқ мақсаднинг кўйилиши мазкур масаланинг аниқлаштирилишини ва амалий жиҳатдан ҳал қилиниши имкониятини белгилайди. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичи фан-техника ютуқлари натижаларидан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш, барпо этилган ишлаб чиқариш имкониятларидан жадал фойдаланиш, бошқарув тизимини, хўжалик механизмини такомиллаштириш негизда иқтисодий ривожлантириш ҳамда шу асосда халқ фаровонлигини янада юксалтиришни ҳозирги куннинг энг долзарб вазифалари қилиб кўймоқда.

Бу улкан вазифаларни бажариш учун бошқа қатор тадбирлар билан бир қаторда корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини чуқур ва мунтазам тарзда таҳлил қилиш даркор. Бугунги кунда турли мулкчилик шаклидаги корхоналар молиявий аҳволини ўрганишнинг мазмуни шундан иборатки, бунда ўз вақтида пул тушумларининг келиб тушиши, тўлов интизомига риоя қилиш, ўз ва қарз маблағларининг тўғри нисбатда бўлишини таъминлаш, молиявий тартиб ва интизомга, барча ишлаб чиқариш бўғинларида иқтисод режими ва тежамкорликка риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Корхоналарнинг молиявий қарорлари кўп жиҳатдан баҳо, кредит, фойда ва унинг тақсимланиш механизмига боғлиқдир.

Корхоналарда молиявий қарорлар қабул қилиш ва рискларни бошқаришнинг бир неча йўли мавжуд. Улардан баъзилари:

1. Молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш: бунга корхона молияси тўғрисида асосли қарорлар қабул қилиш учун молиявий ҳисобот ва маълумотларни ўрганиш киради.

2. Прогнозлаш: тренд таҳлилини ўтказиш ва келажақдаги молиявий натижаларни прогноз қилиш тадбиркорларга кўпроқ хабардор қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

3. Рискларни бошқариш: корхоналарга потенциал хавф ва зарарни минималлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш, шу жумладан суғурта, инвестицияларни диверсификация қилиш ва бошқа усуллар.

4. Молиявий воситалардан фойдаланиш: облигациялар, акциялар, деривативлар ва бошқалар каби турли хил воситалардан фойдаланишни ўз ичига олади., рискларни бошқариш ва рентабелликни ошириш.

5. Бюджетлаштириш: бюджетни ишлаб чиқиш харажатларни назорат қилиш ва ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш имконини беради.

6. Молиялаштиришни жалб қилиш: кредитлар, қарз маблағлари ёки акцияларни чиқариш каби бизнесни ривожлантириш учун капитал олишининг енг яхши усулларини танлаш.

Ушбу усуллардан корхонада молия ва рискларни самарали бошқариш учун бир-бири билан биргаликда фойдаланиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш бухгалтерия баланси, даромадлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот каби молиявий ҳисоботлар маълумотлари асосида корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолашни ўз ичига олади. Таҳлилнинг мақсади тенденцияларни аниқлаш, рентабеллик, ликвидлик, молиявий барқарорлик ва компания активларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашдир. Ушбу таҳлил асосида ривожланиш стратегияси, инвестициялар, кредитлаш ва бошқа молиявий масалалар бўйича қарорлар қабул қилиниши мумкин.

Молиявий натижаларни прогноз қилиш бизнесни бошқаришда муҳим рол ўйнайди. Трендларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш тадбиркорларга ўз соҳаларида қандай ўзгаришлар юз бераётганини, компаниянинг даромадлари ва харажатларига қандай омиллар таъсир қилиши мумкинлигини, шунингдек ўсиш ва оптималлаштириш учун қандай имкониятлар мавжудлигини тушунишга имкон беради. Бу онгли стратегик қарорлар қабул қилишга, янада самарали бизнес-режалар тузишга ва хавфларни минималлаштиришга ёрдам беради.

Рискларни бошқариш-бу корхона мақсадларига эришиш учун потенциал таҳдидларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш жараёни. Бунга потенциал хавф ва зарарни минималлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш киради. Рискларни бошқаришнинг баъзи усулларига қуйидагилар киради:

1. Суғурта: ёнғин, ўғирлик, учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик ва бошқалар каби баъзи хавфлардан ҳимоя қилиш учун суғурта полисларини тузиш.

2. Инвестицияларни диверсификация қилиш: портфелнинг умумий хавфини камайтириш учун турли активлар ва воситалар ўртасида инвестицияларни тақсимлаш.

3. Захира фондларини яратиш: кутилмаган харажатлар ёки йўқотишлар бўлса, қўшимча маблағ ь ажратиш.

4. Молиявий деривативлардан фойдаланиш: активлар нархи ёки валюта курсларининг ўзгаришидан ҳимоя қилиш учун опционлар, фьючерслар ва бошқа молиявий воситалардан фойдаланиш.

5. Бизнеснинг узлуксизлиги режасини ишлаб чиқиш: инкироз ёки фавқулодда вазиятларда бизнес жараёнларини давом еттириш стратегияси ва процедураларини яратиш.

Рискларни бошқаришда корхонанинг ўзига хос хусусиятларига ва унинг бизнес жараёнларига мос келадиган комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш муҳимдир.

Молиявий воситалардан фойдаланиш инвестициялар портфелини бошқаришнинг турли усуллари ва стратегияларини ўз ичига олади. Бунга қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, опционлар, фьючерслар ва бошқа ҳосилалардан фойдаланиш, шунингдек маблағларни облигациялар, акциялар ва бошқа активларга жойлаштириш киради. Молиявий воситалардан бундай фойдаланишнинг мақсади хавфларни минималлаштириш ва инвестицияларнинг даромадлилигини оширишдир.

ИҚИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES.

1. Prezident tadbirkorlar bilan ikkinchi uchrashuvida qanday takliflarni bildirdi? <https://www.gazeta.uz/oz/2022/08/23/meeting-with-businessmen/>
2. Muratov R.S., Djalolova I.A., Oripov S.Sh. Korxonalar iqtisodiyoti. Darslik–Toshkent, 2014-35-b.
3. Ulashev I.O., Atamuradov Sh.A. Korxonalar iqtisodiyoti va menejmenti. O‘quv qo‘llanma. Toshkent-2013, 24-b.
4. Kharabsheh, Buthiena, Mohammad AL-Gharaibeh, and Ziad Zurigat. (2017). Capital Structure and Firm Performance: Dynamic Framework. International Journal of Economic Research 14: 473–87.
5. Kang, W., Ratti, R.A., (2015) Oil shocks, policy uncertainty and stock returns in China. //Econ. Transit. 23 (4), 657-676. <https://doi.org/10.1111/ecot.12062>.
6. Буторин Н.Н., Павлов Д.А. Автоматизация риск-менеджмента. Вестник науки и образования. 2018. Т. 2. № 5 (41). 39-41 с.
7. Гадоев Э., Курбонов Х., Бауетдинов М. Молия. Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005.-159 б.
8. Алимов И.И. Молия. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ 2007, -107 б.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-2

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz